

Жумаева З.Ж.,  
Манасова И.С.,  
Хасанов У.Х.

**БУХОРО АХОЛИСИНИ ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН  
ТАМИНЛАШНИНГ ОПТИМАЛ АСОСЛАРИ**  
Бухоро давлат тиббиёт институти

Бугунги кунда ахоли ичимлик суви сифатида фойдаланадиган ер ости ва очик сув манбалари таркибидаги минерал моддалар (кальций, магний тузлари, каттиклиги, курук чукма моддалари) микдори белгиланган санитария меъёрларидан юкоридир. Ушбу муаммоларни бартараф этиш долзарблигича колмокда..

**Тадқикот максади:** Бухоро ахолисининг тоза ичимлик сув билан таъминлашни урганиш ва асослаш, ичимлик суви оркали келиб чикадиган касалликларни камайтириш, унинг истикболли режаларини тузиш ва меъёрий коидаларга риоя килинишини назоратини кенгайтириш.

**Материал ва усуллар:** Бухоро вилояти давлат санитария эпидемиология маркази лаборатория шароитида 2008 йилда ер ости сув манбаларидан текширилган 3492 та намуналариининг 26,5 фоизи, 2009 йилда 3629 та намунанинг 26,8 фоизи, 2010 йилда 3162 та наму-нанинг 21,5 фоизи, кимёвий таркиби (каттиклиги, курук чукма моддалар) белгиланган санитария меъёрларидан юкорилиги аникланди. Сувнинг бактериологик ифлоланиш даражаси охиригина йилаларда (2008-2009 йиллар) 1,2 марта камайганлиги кайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олинган текширилар тахлили вилоятнинг купгина туманларида ер ости сув манбаларининг 72-81 фоизи кимёвий, 20-35 фоизи эпидемиологик жиҳатдан Давлат стандарти талабларига жавоб бермайди.

Ер ости сув манбаларига мулжалланган ичимлик суви иншоотларини реконструкция килиш максадга мувофик.

Вилоятда бугунги кунда 57 та ичимлик сувини тозалагич иншоотлари мавжуд булиб, булар вилоятнинг 52 фоиз ахолисини тоза ичимлик сув билан таъминлайди. Кишлок ахолисининг 33 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Шу жумладан Бухоро шахри ва барча туманлар маркази очик сув хавзаларидан (Амударё) сувини водопровод тизимида таъминланган 15% худудлар кимёвий таркиби жихатидан Давлат стандартига жавоб бермайдиган ер ости сув манбаларидан ичимлик суви билан таъминланган.

Вилоят худудида ичимлик суви манбалари билан вужудга келган муаммоларни инобатга олиб, Республика из раҳбариятининг саъи харакатлари натижасида Самарканд вилояти Каттакургон тумани худудидаги «Дамхужа» сув кувуридан вилоятга 1992 йилда ичимлик суви кувури тортилган. Ушбу сув кувуридан Бухоро шахри, Бухоро, Вобкент ва Гиждувон туманлари марказлари ва айрим кишлок ахоли пунктлари «Дамхужа» сув манбасидан кисман ичимлик суви билан таъминландилар.

«Дамхужа» сув кувуридан ичимлик суви сифатида фойдалана-диган ахоли марказлашган холда ичимлик суви билан таъминланган ахолининг 25-30 фоизини ташкил этади холос. Ахолининг колган 70-75 фоизи кимёвий таркиби билан санитария меъёрларига мос келмай-диган манбалардан ичимлик суви сифатида фойдаланмоқдалар. Бу эса уз навбатида вилоят ахолиси уртасида инфекцион ва ноинфекцион касалликлар буйича эпидемиологик вазиятга уз таъсирини курсатиши эҳтимолга мойил.

**Тадқикот натижаси:** Бухоро вилоятида ахолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда вужудга келган долзарб муаммони инобатга олиб, Республика из хукумати томонидан халкаро молиявий институтларнинг (Осиё тараккиёт банки) имтиёзли кредитлари хисо-бига «Дамхужа» сув манбасини реконструкция килиш учун 2008 йил инвестиция дастурида 30 млн АҚШ доллари микдорида кредит ажратиш белгиланди. Бу лойиха буйича техника иктиносидий асослар (ТЭО) Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланди. Лойиханинг биринчи навбати амалга оширилиши хисобига кушимча килиб суткасига 60 минг м<sup>3</sup>, иккинчи навбати хисобига суткасига 100 минг м<sup>3</sup> тоза ичимлик суви ишлаб чиқарилади. Натижада «Дамхужа» сув манбасидан олинадиган сувнинг умумий микдори 270 минг м<sup>3</sup> га этади. Шундан суткасида 160 минг м<sup>3</sup> Бухоро ва Когон шахарларини, колган 110 минг м<sup>3</sup> тоза ичимлик суви Бухоро вилоятининг 6 та туманлари (Бухоро, Ромитан, Пешку, Вобкент, Шофрикон ва Гиждувон) хамда Навоий вилоятининг 4 та туманини тоза ичимлик суви билан тулик таъминлайди. Бунинг эвазига Бухоро вилоятининг 70 фоиз ахолиси «Дамхужа» сув манбасининг сифатли ичимлик суви билан таъминланади.

Вилоятнинг барча шахар ва туманларида хамда кишлок ахоли яшаш пунктларидағи ичимлик суви кувурларининг умумий узунлиги 2083,8 км ни ташкил этиб, бу тармоклар 1929-2005

йилларда курилган. Бугунги кунда мавжуд сув кувурларининг 533,1 км ишлатиш муддати утаб, яроксиз холга келган. Натижада ушбу кувурларда куплаб шикастланиш холатлари пайдо булиб, ичимлик сувининг иккиламчи ифлосланишига сабаб булиши, бу эса вилоят ахолиси уртасида юкумли ичак касаллклари билан касаланиш ва эпидемиологик вазиятни мушкуллашишига олиб келиши мумкин.

Юкорида курсатилган муаммоларни ечиш максадида ичимлик сувини таъминотини яхшилаш максадида куйидагиларни тавсия этамиз.

- Ахолини марказлаштирилган сув таъминотини даражасини ошириш
- Ичимлик сувини яхшилашга каратилган барча тадбирларни сифатини ошириш.
- Сувни тозалаш усулларини яхшилаш.

**Хуласа:**

1. Бухоро вилояти ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашнинг зудлик чорасини куришни энг долзарб масала килиб белгилаш.

2. «Дамхужа Навои-Бухоро» сув кувурини биринчи навбатини реконструкция килиш хисобига кушимча суткасига 60 минг  $m^3$  ичимлик суви ишлаб чикириш, ушбу сув кувурининг иккинчи навбатини куришни куриб чикишни жадалаштириб, унинг хисобига кушимча 100 минг  $m^3$  ичимлик суви ишлаб чикириш, буларнинг эвазига «Дамхужа» сув кувурлари хисобига Бухоро вилоятига суткасига 270 минг  $m^3$  сув келишини жаддалаштириш ута мухимдир.

3. Халкаро молиявий институтлар ва Жаҳон банки имтиёзли Кредитлари хисобига вилоятнинг Бухоро шаҳри ва Гиждувон, Ромитан, Шофиркон, Пешку, Вобкент, Олот туманлари марказлари сув тозалагич иншоотларини реконструкция килиш, вилоятнинг Олот, Коракул туманлари, кисман Жондор туман ахолисини «Амударё» сув манбасидан кувур тортиш хисобидан ичимлик суви билан таъминлаш.

4. Вилоят худудида чучук сув манбалари захирасини топиш буйича кидирув ишларини олиб бориш.

5. Худудий санитария- эпидемиология хизматлари ва «Сувокова» ишлаб чикириш бошкармаси томонидан вилоят ахолисига етказиб бериладётган ичимлик сувини сифати устидан кунлик мониторинг олиб бориш максадга мувофикдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Солихужаев С.С. Умумий гигиена дарслиги. Тошкент, 1992.
2. Журнал «Гигиена и санитария». 2008, 20-26 с.
3. СанПиН РуЗ № 0200-06 – Тошкент, 2006.
4. СанПиН РуЗ № 0231-07 – Тошкент, 2007.
5. Директива Совета Европейского Союза 98 (83) ЕС от 03.11.98 по качеству воды, предназначённой для потребления человеком. М., 1999.
6. Моложавая Е.И., Талаева Ю.Г., Багдасарян Г.А. Гигиенические аспекты охраны окружающей среды. М., 1976.
7. Онищенко Г.Г., Новиков С.М. Основы оценки риска для здоровья населения при воздействии химических веществ загрязняющих окружающую среду. М., 2002.